# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ
1996 йил, 12 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 110 (749).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган
Сотувда эркин нархда.

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ЧЕТВЕРГ, 12 СЕНТЯБРЯ 1996 г. № 110 (749).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
В розницу цена свободная.



Ташкент
Алматы
Москва
(ОРТ: Росс. ТВ; ТВ-6)


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МУАССАСАЛАР» КЕНГАШ-СЕМИНАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» кенгаш-семинарининг ҳурматли иштирокчилари!

Сизларни меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий муборакбод этаман.

Кейинги ўн йил ичида сайёрамиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шўролар салтанати барбод бўлганидан кейин дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам бор.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетига қатъий содиқ қолган ҳолда, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро алоқаларни фаол ривожлантирмоқда ҳамда улкан интеграциялашув жараёнига дадиллик билан кириб бормоқда. Тошкентда ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ЕХҲТ ташкил этаётган кенг миқёсли учрашувлар ўтказилиши яхши анъанага айланиб қолди.

Бундай учрашувларда очиқойдин ҳамда манфаатдорлик билан муҳокама этилаётган хавфсизликни таъминлаш, барқарор тараққиёт, ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бизнинг мақсадимиз ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосига қурилган очиқ демократик жамият қуришдан иборат.

Ҳар бир киши учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш, унинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш, унинг эрки ва мустақиллигини кафолатлаш — биз амалга ошираётган, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги кенг миқёсли янгиланишлардан кўзланган мақсад ана шундай.

Умуминсоний қадриятларга асосланган демократия, эркинлик ва мустақиллик — ҳар қандай давлатнинг бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан бориши учун зарур бўлган муҳим шартлардир.

Барқарорлик ва тотувликни сақлаб, иқтисодиётдаги ислоҳотларни муваффақият билан йўлга қўйганимиз ҳолда, биз сиёсий тизимни ривожлантиришни жадаллаштириш, фуқаролар жамиятини барпо этиш зарурлигини теран англаймиз. Шунинг учун ҳам барпо этилаётган муассасалар фаолияти ҳақиқий мазмунга эга бўлиши, энг юксак халқаро меъёрларга мос келиши борасида иш юритмоқдамиз.

Биз амалга ошираётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири — давлат томонидан ҳам, ижтимоий тузилмалар фаолиятини жадаллаштириш билан ҳам инсон эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг ишчан механизмини барпо этишдир. Инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг мониторинги ва бу жараён устидан назорат ўрнатишни таъминлайдиган миллий муассасаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессияси кун тартибига айнан шу масалаларнинг киритилгани ҳам бежиз эмас.

Тошкентдаги бу учрашув ҳамкорлик ва ўзаро бирбирини тушунишни бундан буён ҳам ривожлантиришга кўмаклашишидан умидворман.

Кенгаш-семинарнинг барча иштирокчиларига муваффақиятлар ва ишлари самарали бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни элчи Жан-Марк Булгарис раҳбарлигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, уларнинг Ўзбекистонга сафари кўнгилли ўтишини тилади. Ўзбекистонга берилаётган эътибор учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Дастлаб Европа ташкилоти сифатида тузилган бу муассаса айни пайтда жаҳонда, жумладан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланиши учун улкан ишларни амалга ошираётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Учрашувда ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги алоқалар бўйича бюроси раҳбари Алоис Резник ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА



**Ҳарбий ҳайдовчи оддий аскар Эркин Раҳимов командирларининг буйруқ-топшириқларини доимо аъло даражада бажариб, кўпчилик сафдошларига ўрнак бўлмоқда.**
**И. НАЗАРОВ** суратга олган.

## ЛУЧШИЙ ЭКИПАЖ

На очередном занятии воинам предстояло уяснить особенности наступления танкового подразделения в пустыне. И здесь отличился экипаж, которым командует сержант У. Джаникулов.

Хоть и изучали эту тему впервые, экипаж, в составе которого механик-водитель рядовой Б. Исламов и наводчик-оператор рядовой У. Исманов, был уверен в правильности своих ответов.

— При бое в пустыне, — доложил наводчик-оператор рядовой Исланов, — количество ориентиров будет ограничено. Поэтому направление наступления будет обозначаться постановкой дымовых или световых ориентиров артиллерией и авиацией.

Механик-водитель рядовой Исламов отметил также, что в пустыне возможен широкий маневр вне дорог. Но могут встретиться и отдельные участки с барханными песками, солончаками, каменистыми участками. Такие места являются труднопроходимыми.

Руководитель занятия отметил этот экипаж по окончании занятия в лучшую сторону.

**Рядовой И. ЭРГАШЕВ.**

## ВСЕ РЕШИЛА ВНЕЗАПНОСТЬ

РЕПОРТАЖ

**Перед подразделением старшего лейтенанта П. Медведчикова была поставлена нелегкая задача. Воинам предстояло десантироваться в узком горном ущелье, скрытно подойти к небольшому селению у входа в него. Там закрепился «противник», мешая продвижению наших подразделений. Если Медведчикову и его подчиненным удастся незаметно достичь окраины населенного пункта, он должен сигнализировать об этом серией ракет и завязать бой. С фронта его поддержат другие наступающие подразделения.**

Этому тактическому занятию предшествовали дни и месяцы напряженной боевой учебы. Сам Медведчиков, командиры взводов лейтенанты Ш. Дадаханов и К. Барапбаев, а также сержантский состав много времени, сил и энергии потратили на то, чтобы обучить воинов действовать в обстановке, приближенной к боевой.

Солдаты и сержанты учились метко поражать цели на стрельбище, большое внимание уделялось воздушнодесантной подготовке, наземной отработке элементов прыжка.

Не раз совершали воины многокилометровые марш-броски к полевому аэродрому, где их ждали винтокрылые машины. Чаще всего это происходило глубокой ночью или в предрассветных сумерках. Вот и на этот раз они в полном боевом снаряжении бежали сквозь непроглядную тьму по знакомой дороге. Вокруг — ни огонька. Зато над головой мириады больших и малых звезд. Но некогда любоваться звездным небом. Время не ждет, время торопит.

Прозвучала команда на посадку. Один за другим солдаты исчезли в чреве вертолета. Из кабины выглянули пилоты, произнося ободряющие слова. Машина оторвалась от земли, набрала высоту.

Десантирование прошло без сучка без задоринки. Для большинства подчиненных Медведчикова этот прыжок далеко не первый по счету. Но если первый раз кое-кто из них прыгал с опаской, побаивался, то тут уже все оказались смельчаками.

Приземлились мастерски. Медведчиков оглядел подчиненных и остался доволен. У всех бодрый вид, в глазах решимость выполнить задачу. Офицер перевел взгляд на острые пики гор, зажавших ущелье с двух сторон. Над ними уже начало розоветь небо. Значит, надо торопиться, чтобы успеть до восхода солнца достичь цели.

И опять бегут солдаты. На этот раз — навстречу неизвестности. Кто знает, не ударит ли сейчас по ним автоматная или пулеметная очередь, не рванет ли под ногами предательская мина.

К счастью, все шло по плану, с этой стороны «противник» их не ожидал. В воздух взлетела сигнальная ракета, за ней другая, третья. У входа в ущелье завязался бой. Это вступили в действие наши подразделения. А с тыла по «противнику» ударили подчиненные старшего лейтенанта Медведчикова.

На подведении итогов командир подразделения сказал, что все без исключения воины действовали смело, решительно, умело. Особо же он отметил старшего сержанта сверхсрочной службы У. Маврулова, младшего сержанта Ш. Эрматова, рядовых Ф. Исаева и Н. Шарипова, которые на марш-броске и в бою подавали товарищам пример стойкости и мужества. Самого же старшего лейтенанта Медведчикова руководитель занятий назвал лучшим среди отличившихся на тактических занятиях командиров.

**Лейтенант С. ГОРБУНОВ.**

СУЗ ТУРНИР ҚАТНАШЧИЛАРИГА

# ТУРНИРДАН БАРЧА ХУРСАНД

**Жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган профессионал теннисчилар иштирокидаги «Президент Кубоги» халқаро турнири ҳам мамлакатимиз спорти тарихидан ўрин олиб бўлди. Уч йилдан буён пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис мажмуида ташкиллаштирилаётган нуфузли мусобақа ҳақида фақат илиқ фикрлар билдирилмоқда. Биз бу сафар ҳам теннисчиларнинг ушбу турнирдан олган таассуротларини баён қилмоқчимиз.**

**Феликс МАНТИЛЛА. «Президент Кубоги» халқаро турнирининг ғолиби (Испания):**



— Менга Тошкентда ўтадиган «Президент Кубоги» турнирининг юксак савияда ташкиллаштирилиши ҳақида ўтган йиллари бу мусобақада қатнашиб кетган юртдошларим сўзлаб беришганди. Бу йил мана, омадим бор экан, серқуёш ўлкада бўлиш менга ҳам насиб этди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиқкўнгиллиги жуда ёқди. Мамлакатингизда спортга, жумладан теннисга давлат миқёсида катта аҳамият берилаётганидан жуда ҳайратга тушдим. Ишончим комилки, бундай шароитда Ўзбекистон теннисининг мавқеи тез орада дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олади.

«Президент Кубоги» турнирининг нақадар юксак даражада ўтганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Айниқса биз теннисчиларга яратилган шароит, озиқ-овқат ва маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун қулайликларни ҳар қанча мақтаса арзийди.

Ушбу турнирда ғолиб чиқишим ва шахсан Президент Ислом Каримов қўлидан бош совринни олишим бир умр ёдимдан чиқмайди. Насиб этса, келаси йил яна бу ерда бўлиб, гўзал шаҳар ва унинг аҳолиси билан яқиндан танишмоқчиман.

**Ларс РЕЙМАН. Турнир финалчиси (Германия):**



— Аввало мана шу турнирни ўтказишга бош-қош бўлган Президент Ислом Каримовга, шунингдек, ташкилотчилар ва ҳомийларга, қолаверса, бутун турнир давомида мени қўллаб турган ўзбекистонлик теннис мухлисларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. «Президент Кубоги» менинг ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолади. Чунки айнан Ўзбекистон пойтахтида мен ўз ўйин усулимни топдим. Ҳозир Тошкентга келганимдан жуда-жуда хурсанд бўлиб кетаяпман. Бу шаҳар менга жуда улкан совға — яхши маҳорат ва камолот сари интилишни ҳадя этди. Ахир менинг жаҳон профессионал теннисчилари таснифидаги ўрним жуда паст эди. Эндиликда унинг юқорилаб қолишидан қувонмай бўладими? Тошкент мени кашф қилиб қўйган экан, ўз-ўзидан менинг ҳам унга меҳрим тушиб қолди. Бутун ҳаётим давомида бу гўзал шаҳарни ёдимдан чиқармайман. Келгуси йилда «Президент Кубоги»да ҳам албатта қатнашиш мақсадим бор.

**Дмитрий ТОМАШЕВИЧ. Жуфтлик баҳсларининг ярим финалчиси (Ўзбекистон):**

— Ўзбекистон фуқароси сифатида бутун турнир давомида фахрланиб юрдим. Чет элдан келган дўстларимиз гўзал диёримизни, бу ердаги озодалик, осойишталик ва меҳмондўстликни кўриб лол қолаётганликларини билдиришарди. Теннисимиз ривожига қаратилаётган эътибор ҳам уларни ҳайратга соларди. Демак, тез орада бизда ҳам ушбу тур юксакликка кўтарилишига ишончим кучайди.

Турнир баҳсларидаги иштирокимдан эса мақтанолмайман. Албатта, бу ерда ҳар бир қатнашчи ғолиб чиқиш учун ёки рейтингини яхшилаб олиш учун ҳаракат қилади. Шундай экан, ўзимдан бир неча юз рейтинг юқорида турган Мантиллани енгишим учун менда етарлича тажриба ва маҳорат бўлиши керак. Яна теннисда ўйинга руҳан тайёр бўлиш ҳам катта аҳамият касб этади. Германиялик теннисчи Ларс Рейманни шу боис финалгача чиқиб борди, дейиш мумкин. Умуман олганда Рейман шу ерда «очилиб» кетди.



Умид қиламанки, биз ҳам вақти келиб кучлилар сафига қўшилиб оламиз. Чунки бунинг учун бизда барча қулай шароитлар муҳайё.

**Р. МУСУЛМОНОВ.**

---

**ТАБРИКНОМА**

**Ҳурматли Саидғанихўжа Набиевич ВАЛИЕВ!**

**Сизни муборак сана — таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан самимий табриклаймиз. Сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз. Кайфиятингиз ҳамиша аъло бўлсин, деб**

**Дўстларингиз.**

**ПОЗДРАВЛЕНИЯ**

**Уважаемый Сергей Александрович!**

**От всей души сердечно поздравляем вас с днем рождения!**

**Примите от нас в этот знаменательный день наилучшие пожелания крепкого здоровья, счастья в личной жизни, успехов в творческой работе.**

**Коллеги.**

* * *

**Дорогие Гузаль и Акмаль!**

**Поздравляем вас с днем вашего бракосочетания. Желаем вам долгих лет совместной жизни в счастье и любви, крепкого здоровья, много красивых детей и всего самого наилучшего на свете.**

**С большим уважением к вам, Умурзак, Малахат, Зухра, Зульфия, Гуля, Рано и все любящие вас.**

# ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

**КОЗЕРОГУ** лучше всего сменить место работы, иначе, оставаясь на прежней, он совсем выбьется из сил. Но если вы чувствуете себя в форме и не последуете этому совету, то у вас есть шанс получить вскоре такое предложение, которое коренным образом перевернет всю вашу жизнь.

**ВОДОЛЕЮ** предстоит поездка за рубеж для участия в совместном деловом проекте. Госслужащим выпадет перевод на вышестоящую должность. Представительницам прекрасного пола можно будет немного отдохнуть от повседневных забот. Звезды благоприятствуют вашим романтическим увлечениям, в которых наметится долгожданная определенность.

**РЫБЫ** окажутся в гуще событий. Вам предстоит заниматься расширением бизнеса, вложением денег и, может быть, отправиться за рубеж, где найдете новое поле деятельности. Планеты благоприятствуют занятиям домашними делами. Предстоят радостные события, связанные с рождением или браком в семье ваших родственников.

**ОВНЫ** неожиданно получат значительную сумму денег. Бизнесменам поступят заманчивые деловые предложения, в том числе из-за границы. А госслужащим можно будет посочувствовать — на них возложат дополнительные обязанности. У тех, кто состоит в браке семь лет и не имеет детей, по прогнозам звезд, родится наследник.

**ТЕЛЬЦАМ** придется повременить с зарубежным турне из-за появления срочной работы. В отношениях с деловым партнером или важным клиентом появится небольшая трещина. Не теряйте терпения и самообладания. От этого будет зависеть в дальнейшем ваше стабильное положение на службе и в бизнесе.

**БЛИЗНЕЦЫ** обретут удовлетворение от трудов праведных. Не бросайте начатое на полпути, иначе не получите новых выгодных деловых предложений. В вашей личной жизни появятся благоприятные перемены и представится возможность провести прекрасные вечера с дорогим сердцу человеком.

**РАКАМ** не надо проявлять торопливость, а стоит дождаться интересных предложений или ценной для себя информации. В деловой деятельности вам пора пойти на серьезные нововведения. Предприниматели подпишут престижный контракт, а от госслужащих потребуется такт и талант дипломатов для успешной работы.

**ЛЬВЫ** столкнутся с чрезвычайными обстоятельствами, которые внесут изменения в ваш жизненный распорядок. В деловых операциях возможен небольшой спад. Зато находящиеся на службе у государства получат повышение и прибавку к зарплате. Юристы и политики окажутся в центре всеобщего внимания.

**ДЕВЫ** отправятся в короткое путешествие на юг или юго-восток. Пока одни будут отдыхать, другим предстоит трудиться в поте лица. Это относится к военнослужащим, которых повысят в звании, но вручат новое задание. У бизнесменов ожидается весьма кипучий период, много работы и удовлетворение от собственных свершений.

**ВЕСАМ** придет в голову свежая идея, реализация которой послужит расширению бизнеса и получению больших доходов. Удача в любых начинаниях гарантирована. В домашних делах на какой-то период установится затишье. Личная жизнь тоже не обещает ничего интересного.

**СКОРПИОН** может приступить к выполнению нового делового проекта. Раньше начнете — быстрее получите неплохие дивиденды. В новый собственный дом въедут те, кто до этого мотался по чужим углам. Близкий родственник, которому вы помогали материально, обретет успех и независимость. Поэтому можно будет вздохнуть с облегчением.

**СТРЕЛЕЦ** не должен зависеть от подчиненных, которые обязательно напутают и сделают все не так. Действуйте сами, и все у вас сложится отлично. Досрочное выполнение работы обернется премией, прибавкой к зарплате или ростом доходов. Зато в личной жизни не будет постоянства — новые встречи могут ослабить старые связи.

---

**ПОГОДА**

По сообщению Главгидрометцентра, 12—14 сентября в республике ожидается сухая, безоблачная погода. Ночью температура воздуха будет 15—18, днем— 31—35 градусов тепла. На юге Узбекистана и в пустынной зоне ночью —15—20, днем — до 37 градусов тепла.

---

**Бош муҳаррир подполковник**

**И. Қ. АБДУКАРИМОВ.**

**КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:**
**Отдел подписки — 56-03-46**
**Информация, реклама — 56-54-76**
**Факс (3712) — 56-07-80.**

**НАШ АДРЕС: 700031, г. ТАШКЕНТ, УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.**

**За публикуемые материалы ответственность несет автор.**

**За рекламу ответственность несет рекламодатель.**

**Типография газеты «Ватанпарвар»**
**Рег. № 50. Зак. 0428.**

## ХАЛҚАРО КЕНГАШ-СЕМИНАР БОШЛАНДИ

11 сентябрь куни мамлакатимиз пойтахтида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуидаги халқаро кенгаш-семинари бошланди. Унда Америка, Европа ва Марказий Осиёдаги ўндан ортиқ мамлакатлар делегациялари, БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда «Ҳюмен райтс вотч», «Эмнисти интернэйшнл» каби давлатга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий журналистлар иштирок этмоқда.

Ушбу анжуман ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Кенгаш-семинарни ЕХҲТ делегациясининг раҳбари, Швейцария давлат котибининг ўринбосари Жан-Марк Булгарис кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг кенгаш-семинар қатнашчиларига йўллаган мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Анжуман қатнашчилари АҚШ делегацияси вакили Стив Коффининг «ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва уни амалга жорий этишдаги мажбуриятлари бўйича семинари» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёни ва бу борада халқаро ташкилотлар билан қилинаётган ҳамкорлик ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари шу куни ички қонунчилик, асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар, халқ таълимининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўрни мавзуларида маърузалар тингладилар. Маърузалар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди.

Кенгаш-семинар давом этмоқда. (ЎзА).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ФАРМОНИ

## «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мафкурасининг сарқитларидан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклансин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимликлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар ва «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Камолот» ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлигини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий Мажлисга киритсин.

6. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази нашри «Тафаккур» журналини жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси марказнинг «Маънавият» нашриётини ташкил этиш, бу нашриётнинг ва «Тафаккур» журналининг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

8. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда «Тафаккур» журнали низомида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига икки ой муддатда марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги марказга махсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

11. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилганлиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда марказга берилаётган имтиёзлар унинг «Олтин мерос» жамғармасига ҳам тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Оммавий ахборот воситаларига «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг «Олтин мерос» жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси марказ билан ҳамкорликда махсус «Маънавият ва маърифат» ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришларни йўлга қўйсин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги эътиборга олинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 сентябрь

**ИЗ БЛОКНОТА ЖУРНАЛИСТА**

# ПЕРВЫЕ ШАГИ

**Сегодня на страницах газеты «Ватанпарвар» мы начинаем публиковать путевые заметки капитана Т. АБДУСАИДОВА, вместе с воинами-узбекистанцами из сводного взвода «Центразбата» принимавшего участие в международных миротворческих учениях «Кооператив оспрей-96». Наш корреспондент делил вместе с военнослужащими все их труды и заботы и подготовил серию материалов, рассказывающих об их нелегкой миссии — представлять независимый Узбекистан на учениях, в которых принимали участие как солдаты-профессионалы НАТО, так и военнослужащие других государств, участвовавших в программе «Партнерство во имя мира».**

... Солнце еще только-только начало подниматься из-за горизонта, когда мощный грузовик повез сводный взвод «Центразбата» на первое занятие на американской земле. По краям прямой как стрела дороги мелькали красивые ухоженные домики, где проживают постоянные жители базы морской пехоты США Кэмп Лежюн.

Августовский зной в штате Северная Каролина схож с нашей узбекской чиллей, и заданный американским командованием немного непривычный для нас ритм боевой учебы хорошо учитывал местные условия. Для того чтобы закончить занятия до полуденной жары, участники учений должны были подняться в 4.30 утра.

После подъема — десять минут на душ, скромный, но очень сытный завтрак.

После завтрака — построение, короткий инструктаж американских наставников, выдача оружия и снаряжения, а также сухого пайка, который будет съеден в поле во время обеда, и... в путь.

В первый день наши солдаты и сержанты присматривались к тому, как ведут себя на построениях и на занятиях наши партнеры из Венгрии, США и Канады. Было интересно все: как выполняются команды, как строятся, какие взаимоотношения между начальниками и подчиненными.

Сказывался поначалу и определенный стереотип, навязанный прессой и телефильмами о всепобеждающих профессионалах. Первыми освоились командир взвода лейтенант Руслан Алимухамедов и исполнявший в ходе учений обязанности старшины подразделения прапорщик Абдусалом Саидов. Быстро и профессионально оценив все достоинства и недостатки в подготовке наших партнеров по миротворческим учениям, они прямо сказали подчиненным: воинам-узбекистанцам есть что показать на этих занятиях, а поэтому не надо робеть, мы ведь очень многое можем делать ничуть не хуже.

Благодаря моральной поддержке командиров наши солдаты и сержанты уже на первом занятии по огневой подготовке, как говорится, не ударили в грязь лицом.

В американских учебных центрах большинство занятий с целью экономии моторесурсов и боеприпасов проводятся в электронных тирах. И вот первая смена приглашается на огневой рубеж. Первым вышел вперед прапорщик Саидов. Быстро заняв удобную для стрельбы позицию, он уверенно открыл огонь из американской автоматической винтовки М-16. Когда он закончил стрельбу, американские инструкторы зааплодировали. Такого числа пораженных целей они еще не наблюдали.

Наши центразбатовцы тоже наградили своего старшину аплодисментами. Теперь военнослужащие из Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана со спокойным сердцем выходили на огневой рубеж. Пример прапорщика воодушевил каждого.

Но все оказалось далеко не так просто. И то, что легко далось имевшему за плечами немало лет службы военному профессионалу, оказалось на первый раз не по силам некоторым из наших военнослужащих.

Шел второй час занятий, когда центразбатовцев стали преследовать неудачи. Обстановка на экране мгновенно менялась по воле инструкторов, появлялись то одиночные, то групповые цели. А на компьютере результаты — один хуже другого: рядовой Р. Файзиев — 14 попаданий, рядовой Т. Алибоев — только три попадания. Тут у кого угодно руки опустятся.

И вдруг операторы засуетились, начали что-то спрашивать. Возбужденные американцы стали интересоваться, кто такой сержант Б. Мухитдинов. Оказывается по итогам стрельбы наш командир группы поразил 45 мишеней 53 выстрелами! Этот результат вызвал настоящий восторг у американских профессионалов.

Уважительно посматривая на обычного с виду узбекского парня, они все допытывались, на какой войне приобрел он такой опыт стрельбы. Пришлось объяснять, что в Узбекистане благодаря мудрой политике Президента и правительства с первых дней независимости сохраняются мир и спокойствие. А боевые навыки сержант Бахтиер Мухитдинов приобрел в ходе плановых занятий по огневой подготовке в одном из подразделений Национальной гвардии.

Второй этап занятий — стрельба в поле из американского боевого оружия штатными боеприпасами. Все непривычно: и мишенная обстановка, и оружие. Однако теперь солдаты и сержанты уже знали себе цену и действовали у пулемета и с автоматической винтовкой в руках спокойно и уверенно. Даже прославленные в бесчисленных кинобоевиках морские пехотинцы США не смогли показать более высоких результатов, чем узбекистанские миротворцы. Как и следовало ожидать, самые лучшие результаты на стрельбище оказались у командира взвода лейтенанта Руслана Алимухамедова, в этом году с отличием окончившего старейшее в Центральной Азии Ташкентское высшее общевойсковое командное училище. Ненамного отстали от него рядовые Тимур Халилов и Шавкат Болтаев, впервые взявшие в этот день в руки американское оружие.

(Продолжение следует.)

